

Ислом тарбиялаган зотлар



10:10 / 28.02.2022 3031

Икрима ибн Абу Жаҳл розияллоҳу анҳу Макка фатҳидан кейин Исломга кирдилар. Исломга кирганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан кўпроқ яхши кўрдилар.

Ярмук воқеаси куни душманларни довдиратиб, ер тишлатиб жанг қилдилар. Қилични қайтариб солмаслик учун қинни синдириб ташладилар. Ушбу жангда Икрима розияллоҳу анҳу билан бирга Айёш ибн Абу Робиа ва Ҳорис ибн Ҳишом розияллоҳу анҳум душман ичига кириб бордилар ва қаттиқ жанг қилдилар. Охирида бу уччовлон оғир жароҳатланиб, ерга йиқилдилар.

Румликлар устидан ғалаба қозонган мусулмонлар жангдан сўнг шаҳид бўлган биродарларини излаб юрганларида ўлим арафасида турган мазкур уч кишини кўриб қолдилар.

Ҳорис ичиш учун сув сўради. Мусулмонлар сув келтиришганда, Икрима унга қараб турган эди. Ҳорис сув келтирган кишига: «Бу сувни унга олиб бор» деди. Сув Икримага олиб келинди. Икрима идишни олиб, энди ичмоқчи бўлганида Айёш унга қараб турганини кўрди-да, «Сувни унга олиб бор» деди. Сув олиб келингунча Айёшнинг жони узилди. Бояги киши сувни ортга қайтариб, Ҳорис билан Икримага олиб боргунча, улар ҳам шаҳид бўлишди.

Ҳа, улар оғир аҳволда турган, чанқаган, ташналиқдан қийналган бўлсалар ҳам ёнларида ётган дўстларини ўзларидан устун кўриб, сувни уларга илингандилар. Чунки улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мадрасаларида ўтилган дарсларни гўзал тарзда ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ этган эдилар.

Оғир жароҳатланиб, ерда ётган Икриманинг олдига Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу келди. Икриманинг бошини ердан кўтариб, сони устига қўйиб олди. Икрима розияллоҳу анҳу кўзларида ёш билан Холид розияллоҳу анҳуга қарадилар-да, «Эй Холид, ушбу ўлим (яъни, жангда шаҳид бўлишим) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мендан рози қиладими?» дедилар.

Икрима розияллоҳу анҳунинг таналарида етмишдан ортиқ найза, қилич ва камон ўқи теккан жароҳатлар бор эди.

Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин! Ўлим пайтида сувни биродарига илиниб, биродарини ўзидан устун кўрган бу зотларни Роббимиз жаннат булоқлари билан суғорсин, бизга эса улардан ибрат олишни насиб этсин!

Интернет маълумотлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади